



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING**  
**BUYRUG‘ I**

2021 yil “16” 09

№ 228

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида**  
**“Кадр ресурсларини бошқариш” ва “Тиббиёт муассасалари реестри”**  
**ахборот тизимларини амалиётга жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5199-сон қарори билан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга ихтисослаштирилган тиббий муассасаларга йўлланма бериш электрон тарзда амалга оширилишини инобатга олиб **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 13 августдаги 198-сон буйруғи асосида “Тиббиёт муассасалари реестри” ва “Кадр ресурсларини бошқариш” ахборот тизимларини Сирдарё вилоятининг барча тиббиёт муассасаларида муваффақиятли ишга туширилганлиги, тажрибавий синов даврида ижобий натижага эришилганлиги ва учраган камчиликлар бартараф этилганлиги ҳамда республика миқёсида амалиётга жорий қилишга тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилган “Тиббиёт муассасалари реестри” ва “Кадр ресурсларини бошқариш” ахборот тизимлари (кейинги ўринларда “Ахборот тизимлар”) 2021 йилнинг **20 сентябридан** барча тиббиёт муассасаларида амалиётга жорий этилсин.

3. Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўлими (С.Зиядуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва филиаллари раҳбарлари Ахборот тизимларини **10 кун муддатда** давлат тиббиёт муассасаларининг тегишли барча бўлимлари компьютерларига боғланиш ишларини амалга оширсин.

4. Кадрлар бошқармаси (Ж.Ёкубов), Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (С.Максудов), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва филиаллари раҳбарларига:

**3 кун муддатда** Ахборот тизимларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, мониторинг ва таҳлил қилиш бўйича масъул ходимларни буйруқ асосида тайинлаш;

жорий йил **20 октябрга қадар** ҳудудий тиббиёт муассасалари ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни Ахборот тизимига тўлиқ киритиш ва келгусида бу каби маълумотларни мунтазам равишда янгилаб бориш вазифалари юклатилсин.

5. “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти (Б.Хасанов)га:

Ахборот тизимларидан фойдаланиш ва маълумотлар базасини шакллантириш бўйича ўқув машғулоти ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жадвал асосида ўқитиш ишларини амалга ошириш;

**бир ҳафта муддатда** Ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш ва Ахборот тизимлари таркибига жойлаштириш;

тизимнинг ишлаш жараёнини доимий кузатувга олиш, аниқланган техник носозлик ва камчиликларни иш жараёнида тўлиқ бартараф этиш вазифалари юклатилсин.

6. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари А.Азизов зиммасига юклансин.

Вазир



А.Хаджибаев